

## Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш вазифалари.

*Абдуразақова Феруза<sup>1</sup>*

*Аҳмедова Хуршида<sup>2</sup>*

**Аннотация:** Шарқнинг қомусий олимларимиз асарларида таълим-тарбия, шахс камолоти борасидаги фикрлари билан бирга билим эгаллаш, илм олиш йўллари хусусида қатор илмий маълумотлар келтирилади. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Абу Наср-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Зарнужий, Маҳмуд Қошқарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Умар Хайём, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Абдулла Авлоний каби олим ва мутафаккирларнинг асарларида юқоридаги муаммо юзасидан атрофлича маълумотлар келтирилади.

**Калит сўзлар:** Шарқ алломалари, қомусий олим, таълим, тарбия, шахс, усул, метод.

Ижтимоий ҳодисаларга муносабат жамият тараққиётининг муайян босқичларида турлича намоён бўла бошлайди. Мамлакатда том маънода ҳар томонлама барқарор тараққиётини таъминлаб туриш учун бугун давлат сиёсати халқ талаби, ҳтиёжлари, руҳий ва маънавий ҳолати билан уйғун бўлишига эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек:

”Халқ маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига ҳослиги қайта тикланаётганлиги жамиятни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунё қарашини ҳисобга олган ҳолда, унинг манфаат ва эҳтиёжларини рағбат топтириш негизида ривожланади.

Широқ, Тўмарис, Спитамен, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий каби тарихий миллий қаҳрамонларимизни ёш авлодга асрлар оша шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида халқимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда.

Шарқнинг қомусий олимларимиз асарларида таълим-тарбия, шахс камолоти борасидаги фикрлари билан бирга билим эгаллаш, илм олиш йўллари хусусида қатор илмий маълумотлар келтирилади. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Абу Наср-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Зарнужий, Маҳмуд Қошқарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Умар Хайём, Абу Ҳамид Фаззолий, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Абдулла Авлоний каби олим ва мутафаккирларнинг асарларида юқоридаги муаммо юзасидан атрофлича маълумотлар келтирилади.

<sup>1</sup> Андижон давлат университети, Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси

<sup>2</sup> Андижон давлат университети ижтимоий иқтисодиёт факултети педагогика ва психология ёналиши 4-босқич талабаси



Шарқнинг қомусий олимлари томонидан шахс шаклланиши, таълим-тарбия борасидаги қатор илмий-назарий масалалар, айниқса, шахс камолотида билим, ақл, идрок, тафаккур жараёни шаклланганлиги ақлий мезон сифатида еътироф етилган. Шу боис жаҳон илм-у маданиятига самарали хисса қўшган Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Ҳос Хожиб, Умар Хайём, Алишер Навоий ва бошқа алломаларимиз томонидан қолдирилган илмий мерос ақлан камолга етган, баркамол авлодни тарбиялашда дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда. Марказий осийлик машҳур мутаффакирларнинг бизга қолдирган бой илмий мероси жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, қуйида биз уларнинг билим олишга қизиқиш, илмга интилиш каби эҳтиёжларни тарбиялаш масаласидаги фикрларини таҳлилий асослар билан талабаларга оргатишимиз жоиздир.

Буюк аллома Абу Наср Фаробий “Бахт саодатга эришув” тўғрисидаги асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақидаги фикрларни баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал, билиш зарур бўлган илм ўргатилади, бу олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўрганиш табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимлар ўргатилади дейди. Унинг фикрича, ўқувчига таълим бериш, илмли қилиш йўлида ўқитувчи тинмасдан машаққатли меҳнат қилиши керак, шунда ўқувчи ўқишга таълим олишга, билимли бўлишига интилади.

Ўқитувчи ўқувчига билим бераман деса, ўқувчи олдида ҳақиқатгўй бўлиши, ўзи фахм-фаросатли бўлиши, ор-номусни қадрлаши, шогирдларига адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига еришишда қатъиятлик кўрсата билиши ва ўрнатилган бўлмоғи лозим.

Қомусий олим Абу Али Ибн Сино инсон камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни егаллашига даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб табиат қонунларини очиқ авлодларга етказиш керак. Зеро, маърифатлик иши жасур, ўлимдан кўркмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади дейди. У ҳақиқатни билиш учун билимга ега бўлиши кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги инсон ўзбилимининг ҳақиқатлигини билиш учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Сино таълимотини билишда қайси методлардан фойдаланмасдан, у оғзаки ифодали билимларни тушунтиришнинг турли кўринишдаги суҳбатли тажрибани барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш, мустақил, мантиқий фикрлаш қобилитини ривожлантира олган билимларини амалиётга тадбиқ ета олиш қобилитини таркиб топтириш асосий мақсади бўлган.

Шарқнинг буюк мутафаккир олими Абу Райҳон Берунийнинг таъкидлашича билим олишда инсоният яратган билимларни егаллаш учун ўқувчида интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Беруний ўқитишда муаллимнинг ўқиб ўрганишни, такрорлаши билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида уқтирган. Шунингдек, у китоб ўқишнинг усул ва методларига алоҳида эътибор беради. Китобларни шунчаки емас балки фикрлаб, кичик-кичик бўлимларга бўлиб ўқишни, ҳамма ўқилган жойларни умумлаштириб қайта ўқиш ҳақида ҳам ибратли фикрларни келтириб ўтадилар.

Беруний ўқитишда фақат индуктив йўл билангина емас, балки дедуктив йўл билан ҳам иш тутиш лозимлигини таъкидлайди. Бунда олим ҳарқайси методни ўз жойида қўлламоқ зарурлигини яхши билиш кераклиги таъкидланади. Бундай ўқиш тафаккурни ўстириб билишнинг сифатини яхшилади, ақлий билимини бойитади.

Таълим ва тарбия ишларида олдимизга қўйилган мақсад- талабаларнинг илмий дунё қарашини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Анашу мақсадда инсонда ги хислатлар унинг



меҳнатга, маънавий, ғоявий ва маданий бойликларга бўлган муносабат оилада ҳам маҳаллада ҳам мавжуд бўлган тарбия орқали шаклланади.

Шу сабабли Республикамизда оилани мустаҳкам барпо этиб, уни шакллантиришда, болалар тарбиясини, шунингдек, ижтимоий турмуш шароитларини яхши ташкил этишда давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилмоқда. Хусусан, ”Соғлом авлод дастури” бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундан келиб чиқадики- энг катта масъулият ота-она зиммасига тушади. Чунки оилада фарзандлар тарбиялашда, уларнинг соғлом муҳит, таъсирида ўсиб улғайишида ота-она кўпроқ маъсул ҳисобланади.

Хўш, ота-она болаларни маънавий –ахлоқий тарбиялашда кўпроқ кимларга эътибор бериш керак? Аввало, фарзанд дунёга келган кундан бошлаб ота-она зиммасига кўпроқ маъсулиятли вазифалар юкланади.

Чунки Шарқ мутафаккирларидан бири Ибн Сино фарзанд она қорнида лигидаёқ тарбия қилиш кераклигини таъкидлайди.

Манашу ерда аллома қанчалик тўғри эканлигини асрлар оша бу қарашнинг эскирмаганини ҳис қиламиз. Чунки она фарзанд кутаётган даврида фарзандига аллалар айтиб, яхши гаплар гапириб, ўзини хотир жам тутса шу билан бирга ҳалол лўқма еб, чиройли расмларга қараб эстетик завқланса, фарзанд соғлом ва оқибатли бўлиб дунёга келади.Хаттоки она қорнида яхши парвариш билан тугилса келажакда тугилган бола соғлом тугилади.

Фикримизнинг далили сифатида машхур ўзбек адиби А.Қаххорнинг “Анор“ ҳикоясини мисол қилиб келтирсак бўлади. Ҳикоя қаҳрамони анорга бошқоронғИ бўлади. Қўшнисининг ҳовлисида анор дарахти бўлиб шу дарахтнинг бир шохи уларга егилган ҳолда меваси соған бўлади.

Ҳикоя қаҳрамони фарзандига ҳалол лўқма йедиришни ўйлаб, анорни йейишни хоҳласа ҳам йемайди. Чунки у ўша анорни еса қорнидаги ҳомилага ёмон иллат ўтишини ўйлайди. Манашу кичкина ҳикоя замирида адиб катта муаммони, бировнинг нарсасини сўрамасдан олмаслик, бировнинг ҳасига ҳам кўз олайтирмаслик, шу билан бирга дунёга келаятган фарзандини ҳам ҳалол лўқма орқали дунёга келтириш муҳим эканлигини назарда тутаяди.

Демак, шарқ мутафаккирлари меъросида ёшларни илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини қуйидагиларни амалга ошириш зарур: Шарқ мутафаккирлари меъросида илмий дунёқарашни шакллантиришга доир назарий қарашларни ҳамда эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш; шарқ мутафаккирлари меъросида илмий дунё қарашни шакллантиришга таъсир етувчи ижтимоий –педагогик омилларни ўрганиш ; кадрятлар таъсирини аниқлаш ; тадбирлар ўтказиш, талабалар билан суҳбатлар олиб бориш мақсадга мувофиқ болады.

Президентимиз Ш.М.Мирзияев такидлаганидек,изланиш ёқ жойда ривожланишга еришиш мушкул.Уқитувчи малакаси ёшлар ақл-заковати, камолатини белгилайди.Айниқса,муаллим оз устида ишлашдан тухтамаслиги айни муддаодир, шунинг учун Шарқ мутафаккирларининг бой меросини урганиш учун ёшларни илмий дунё қарашини шакллантириш га эътибор берди.

## АДАБИЙОТЛАР:

1. СҲ.М.Мирзиёев ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФАТЛАРИНИ ТАМИНЛАСҲ-ЙУРТ тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови.Озбекистон



республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқ.Халқ сози газетаси 8 декабр 2016 йил.

2. ИБН АЛ-Кифтий Фаробий ҳақида.ФАРОБИЙ.ФОЗИЛ ОДАМЛАР СҲАҲРИ.-Т.ХАЛҚ МЕРОСИ.-1993.
3. Зокиржон Ҳамидов.Ватан мадҳи.Андижон -2019.

